

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ТЕМИР ЙЎЛЛАР УЧУН
ЕР АЖРАТИШ МЕЪЁРЛАРИ**

ШНҚ 2.10.10 - 19

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2019

ЎЗБЕК ИСТИҚ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ТЕМИР ЙЎЛЛАР УЧУН
ЕР АЖРАТИШ МЕЪЁРЛАРИ**

ШНҚ 2.10.10 - 19

**РАСМИЙ НАШР
(янгиланган таҳрир)**

ЎЗБЕК ИСТИҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗБЕК ИСТИҚ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ 2019

ШНҚ 2.10.02-19 “Темир йўллар учун ер ажратиш меъёрлари” Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. Тошкент, 2019.

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА КИРИТИЛДИ: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг Ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошқармаси (Ғ.А.Толипов, О.Ҳақимов), “Ўздаверлойиҳа” (М.Д. Ҳақимов, В.Т.Фролов, И.П. Петров – мавзу раҳбари, В.И. Попов, Б.Т. Мельников) Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Ш.У.Узоқов) томонидан, 1997й.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бақирхонов, Р.Ф.Файзуллаев, Ш.У.Узоқов, С.Д.Махмудов (Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси), В.Т. Фролов, И.П.Петров, Б.Т. Мельников (Ўздаверлойиҳа), 1997й.

ЯНГИЛАНГАН ТАҲРИРИ ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Б.С.Садиков) томонидан.

ТАСДИҚЛАНДИ ВА АМАЛИЁТГАН КИРИТИЛДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрдаги 519-сонли буйруғи билан.

ШНҚ 2.10.10-19 “Темир йўллар учун ер ажратиш меъёрлари” жорий этилиши биланоқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ШНҚ 2.10.10-97 ўз кучини йўқотади.

КЕЛИШИЛГАН: “Тoshtemiryo’lloyiha” МЧЖ ва “Ўзбекистон темир йўллар” АЖ билан.

Ушбу ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги рухсатисиз тўла ёки қисман нусха кўчириб олиш, кўпайтириш, расмий нашр сифатида тарқатиш ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 2.10.10-19
	Темир йўллар учун ер ажратиш меъёрлари	ҚМҚ 2.10.10-97 ўрнига

Умумий қоидалар

1. Ушбу меъёрлар ғилдирак изи (колеяси) 1520 ва 750 мм бўлган ташқи темир йўлларга келиб қўшиладиган саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг темир йўллари бўйига ажратиладиган ерларнинг эини белгилайди.

2. Темир йўллар учун ерлар қўидаги мақсадларга ажратилади:
эксплуатация даврида доимий фойдаланишга;

қурилиш жараёнида, вақтинчалик иншоотлар ва келиб қўшилиш йўлларини жойлаштириш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун вақтинча қисқа муддатли фойдаланишга.

3. Темир йўллар учун ажратиладиган ерлар, лойиҳада кўзда тутилган қурилиш навбатига мувофиқ бўлак участкалар сифатида ажратиш лозим.

4. Темир йўлларни лойиҳалаштириш учун ер участкаларини танлаш ва уларни қуриш учун ерларни ажратишда амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинмоғи зарур.

Ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодекси, шунингдек табиатни, сувни ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

5. Қурилиш жараёнига вақтинчалик қисқа муддатли фойдаланиш учун берилган ер майдонларининг фойдаланиш муддати тугаши биланоқ, бузилган ерларни рекультивация қилиш бўйича комплекс ишлар бажарилгандан сўнг олдинги ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларга қайтариб берилади.

6. Перегонларда (поезд тўхталмасдан ҳайдалиб ўтиладиган бекатлар оралиғи) темир йўллар учун ажратиладиган ернинг эни (йўл ёнида заҳира майдонлар, кавальерлар, мустаҳкамлаш иншоотлари, шамолдан ҳимояловчи ихоталари ва бошқа қурилмалар бўлмаганда) А ва Б иловаларига мувофиқ белгиланади.

7. Темир йўллар қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон фонди ерларида жойлаштирилганда келгусида йўллардан поезд ўтиш қобилиятини ошириш, шу жумладан ғилдирак изи 1520 мм бўлган I ва II-даражали иккинчи темир йўл изини барпо этиш йўли билан кенгайтириш мақсадида қўшимча ер участкалари уларда мукамал бино-иншоотлар қуриш ҳамда кўп йиллик дарахтлар ўтказиш ман этиладиган махсус зоналарга ажратиб олиниши зарур.

Ғилдирак изи 1520 мм бўлган I- ва II-даражали темир йўлларни қишлоқ ёки ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ўтказилганда иккинчи темир йўл изини қуриш учун йўл бўйлаб ажратиладиган ернинг энига А ва Б иловаларида келтирилган меъёрларга 4 метр қўшиб ҳибланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 й. 18 ноябрдаги 519-сонли буйруғи билан тасдиқланган	2020 й. 1 январдан амалга киритилди.
--	---

8. Ұрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳада қуйидагилар аниқланади:

- темир йўлни келгусида ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида қўшимча ер участкалари (муҳофаза зоналари) ўлчамлари;
- поезд тўхташ ва йўналишини ўзгартириш бекатларини, кувиб ўтиш ва аҳоли яшаш жойларини, вагонларни шатакка олиш бекатчалари, йўл тармоғи бинолари ҳамда шу каби темир йўлдан фойдаланишга боғлиқ бошқа объект ва иншоотларни жойлаштириш учун ажратиладиган (муҳофаза зонаси) ер участкаларининг ўлчами;
- темир йўл иншоотларини дахлсизлигини ёки турғунлигини таъминлаш учун мўжалланган ер участкаларининг (муҳофаза зонаси) ўлчами ва манзили;
- темир йўл ёнидаги кўпорилиш ва кўчкинларга қарши ҳар ҳил сунъий мустаҳкамлаш иншоотларини, кесиб ўтиш жойлари, шамол, қор кўчкиларидан ҳимоялаш, ўрмонзорларини жойлаштириш каби ўзига хос (индивидуал) лойиҳалаш зарурати туғилганда, (темир йўлларни лойиҳалаш бўйича ҚМҚга мувофиқ) темир йўл бўйига ажратиладиган ернинг (муҳофаза зонаси) эни;
- тоғ қияликларида ва сувларини оқизиб кетувчи ариқларни жойлаштириш учун ажратиладиган ернинг эни;
- темир йўл қурилиши даврига вақтинчалик (қисқа муддатли) фойдаланиш шarti билан ажратиладиган ернинг эни (муҳофаза зонаси) ва ер участкасининг ўлчами;
- темир йўл участкаларини табиий ва сунъий қум уюмларидан муҳофазалайдиган (тўсадиган) кўп йиллик ўтлар, ўсимлик ва дарахтлар экиш учун йўлнинг ҳар иккала тарафидан ажратиладиган ер (муҳофаза зонаси) нинг эни 100 метрдан кам бўлмаслиги лозим;
- йўлнинг ҳар иккала тарафига, қум кўчишига йўл қўядиган ҳар қандай ҳаракатлар (тупроқ қатламини бузиш, чорва молларни боқиш, ўсимликлар қопламини нобуд қилиш) тақиқланадиган қўшимча ажратиладиган ернинг эни (муҳофаза зонаси).

9. Кўтарма устидан ўтувчи изнинг ўқидан, ихота дарахтзорларгача бўлган масофа 15 метрдан кам бўлмаган масофада қабул қилиниши лозим. Филдирак изи 1520 мм бўлган 1-даражали темир йўлларда эса бу масофа иккинчи йўл қуриш мўжалланган томонга 20 метргача оширилади.

10. Ўйиқликларнинг рошидан, шунингдек сувларни оқизиб кетувчи ариқлар бўлган тақдирда уларнинг рошидан ихота дарахтзорларгача бўлган масофа 5 метрдан кам бўлмаган ўлчамда белгиланади. Филдирак изи 1520 мм бўлган 1-даражали темир йўлларда эса бу масофа иккинчи йўл қуриш, мўжалланган томонга 10 метргача оширилади. Бунда, ҳар қандай ҳолларда темир йўлнинг энг четки изи ўқидан ихота дарахтзорларгача бўлган масофа 15 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Ердан кўтариб қуриладиган перегонларда буйига ажратиладиган (йўл ёнида резервлар, кавальерлар, мустаҳкамлаш иншоотлари, шамолдан ҳимояловчи ўрмонзорлар ва бошқа қурилмалар бўлмаган тақдирда) ернинг эни (муҳофаза зонада)

Кўтарма нинг баланд- лиги (м)	Темир йўл буйига ажратиладиган ернинг эни, (м)											
	ғилдирак изи 1520 мм бўлган темир йўллар учун						ғилдирак изи 750 мм бўлган темир йўллар учун					
	I, II- даражали			III, IV, V- даражали			I- даражали			II, III- даражали		
	Жойнинг кўндаланг қиялиги қуйидагича бўлганда:											
	1:25	1:10	1:5	1:25	1:10	1:5	1:25	1:10	1:5	1:25	1:10	1:5
1	23	20	22	22	19	21	20	17	18	19	16	18
2	26	23	25	25	22	24	23	20	22	22	19	21
3	26	26	28	25	25	27	23	23	25	22	22	24
4	29	29	32	28	28	31	26	26	29	25	25	28
5	32	32	36	31	31	35	29	29	33	28	28	32
6	35	36	40	34	35	39	32	33	37	31	32	36
7	39	39	44	38	38	43	36	36	41	35	35	40
8	43	43	48	42	42	47	40	40	45	39	39	44
9	46	47	-	45	46	-	43	44	-	42	43	-
10	50	51	-	49	50	-	47	48	-	46	47	-
11	53	-	-	52	-	-	50	-	-	49	-	-
12	57	-	-	56	-	-	54	-	-	53	-	-

**Ердан ўйиб қуриладиган перегонларда бўйига ажратиладиган
(ўйл ёнида резервлар, кавальерлар, мустаҳкамлаш иншоотлари,
шамолдан ҳимояловчи ўрмонзорлар ва бошка қурилмалар
бўлмаган тақдирда) ернинг эни (муҳофаза зонаси)**

Ўйиқлик чуқур- лиги (м)	Темир ўйл бўйига ажратиладиган ернинг эни, (м)											
	ғилдирак изи 1520 мм бўлган темир ўйллар учун						ғилдирак изи 750 мм бўлган темир ўйллар учун					
	I, II - даражали			III, IV, V - даражали			I - даражали			II, III - даражали		
	Жойнинг кўндаланг қиялиги қуйидагича бўлганда:											
	1: 25	1: 10	1:5	1:25	1: 10	1:5	1:25	1: 10	1:5	1:25	1: 10	1:5
1	25	28	33	24	27	32	22	25	30	21	24	29
2	28	31	37	27	30	36	25	28	34	24	27	33
3	31	34	41	30	33	40	28	31	38	27	30	37
4	34	37	45	33	36	44	31	34	42	30	33	41
5	37	40	49	36	39	48	34	37	46	33	36	45
6	40	44	53	39	43	52	37	41	50	36	40	49
7	43	47	-	42	46	-	40	44	-	39	43	-
8	46	49	-	45	49	-	43	47	-	42	46	-
9	49	-	-	48	-	-	46	-	-	45	-	-
10	53	-	-	52	-	-	50	-	-	49	-	-
11	56	-	-	55	-	-	53	-	-	52	-	-
12	59	-	-	58	-	-	56	-	-	55	-	-

Изоҳ:

А ва Б иловаларда белгиланиб қўйилган ўйл бўйига ажратиладиган ернинг энига (муҳофаза зонасига) битта темир ўйл изини (полотно), ўйл ёнидаги бирмани (ўйл ўтган кўтарма ёки ўйиб олинган ер рошидан оқава сув ариғигача бўлган такзаминли ўйлакча), жойлаштирилади. Зарурат бўлганда эса шу ерга, оқава сувларни оқизиш ариғи ва ҳимоялаш тасмаси ҳам жойлаштирилади.

Ҳимоялаш чизигининг эни ўйл ўтган кўтарма ёки ўйиб олинган ер рошидан 2 метр, оқава сувларни оқизиш кетувчи ариқ рошидан эса 1 метр қилиб белгиланади.